

Миллий юксалиш шароитида ижтимоий ислохотлар ва инсон манфаатининг таъминланиши

Алишер Ибрагимов

Жиззах давлат педагогика институти тадқиқотчиси

ibragimovalisher1987@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада миллий юксалиш шароитида давлатимизда ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг олиб борилиши ва бу борада инсон манфаатларининг таъминланиши, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва тараққиёт тамойиллари акс этган.

Калит сўзлар. Миллий юксалиш, инсон, демократия, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, инсон манфаати, эркинлик, фаровонлик, ижтимоий қадриятлар, иқтисодиёт, маънавият, тараққиёт.

Аннотация. В данной статье отражены принципы всестороннего развития и прогресса в строительстве государства и общества, реализации реформ в социальной сфере в нашей стране в контексте национального прогресса и обеспечения интересов человека.

Ключевые слова. Национальный прогресс, человек, демократия, верховенство закона, гражданское общество, интересы человека, свобода, процветание, социальные ценности, экономика, духовность, развитие.

Annotation. This article reflects the principles of comprehensive development and progress in the construction of the state and society, the implementation of reforms in the social sphere in our country in the context of national progress and the provision of human interests.

Keywords. National progress, human, democracy, rule of law, civil society, human interests, freedom, prosperity, social values, economy, spirituality, development.

Ўзбекистон миллий юксалиш, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар босиб бормоқда. Шу мақсадлар йўлида миллий ўзликни англаш, юрт равнақи, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш каби ижтимоий

кадриятлар талаби аниқ ва равшан белгилаб олинган. Аввало, миллий юксалиш шароитида тарихан қисқа бу давр давомида давлатимиз учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва тараққиёт даври бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистонда миллий юксалишга оид ўтган тарихан қисқа даври давлатимиз учун давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, маънавият, ижтимоий ҳаёт, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва барқарор муҳитни таъминлаш борасида кўп томонлама тараққиёт, жаҳон ҳамжамияти билан чуқур ҳамкорлик йиллари бўлди. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига кўра, жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, жаҳонда пандемия ва молиявий-иқтисодий инқироз аломатлари бўлиб турганига қарамай, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш ва босқичма-босқич модернизациялаш модели амалда ўзини тўла оқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганининг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислоҳотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди. Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор”¹, деб таъкидлаган.

Миллий юксалиш босқичида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин тадбиркорликка асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод турмуш ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўринни эгаллашда юксак истиқболга асосланган тараққиётга оид

¹ Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. 31.08.2021. www.president.uz.

ғоялар мустаҳкам замин бўлиб келмоқда. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар, Ватанимиз тараққиётининг тарихий, маънавий, ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитлари, ҳозирги саодатли кунлар ва ёруғ истиқболимиз, халқимизнинг бунёдкорлик руҳи, улкан салоҳиятини рўёбга чиқиши ва амалиёти натижалари экани билан ғоят аҳамиятлидир.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш, ҳаётий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришнинг асосий жиҳатлари Конституция ва мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини қўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”² деб кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистон давлати ижтимоий сиёсатида инсон манфаатлари устиворлиги ва ҳаётий фаровонлигини таъминлашнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолатлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган қонунлар, қонун ости ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда фаол демократик янгиланишлар, жамиятнинг барча соҳаларида жадал ислоҳотлар ва мамлакатни тубдан модернизация қилиш давом этмоқда. Бунда жамиятимизда барқарор тараққиёт, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият бошқарувини янада ислоҳ этиш, хусусан, Конституцияда аниқ ва равшан белгилаб берилган инсон манфаатлари, эркинлиги, эҳтиёжлари ва фаровонлигини тўла таъминлаш, парламентаризм, кўппартиявийлик, ва плюрализмни сиёсий ҳаётда тўлароқ жорий этилиши чуқур аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий сиёсатдаги тубдан янгиланишлар, иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободонлашуви ва кўркемлашуви, халқимизнинг турмуш тарзи фаровонлашиб, ҳаёт кечириш даражаси юқорилашиб бориши ушбу тамойилларнинг нақадар тўғри эканлигини исботламоқда. Президентимизнинг таъкидлашича, “Биз бундан

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 14-модда

буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз. Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари”, “маҳаллабай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда. Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда”³.

Инсон жамият тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар ривожига энг муҳим субъект ва асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Унинг ижтимоий моҳияти ва олий қадрият сифатида мавжуд бўлиши қуйидаги иқтибосда келтирилган: “Инсон — тарихий тараққиёт жараёнида турли хислатлар, сифатлар ва хусусиятларга эга бўлган, маънавий-ахлоқий жиҳатларни қиёфасида акс этгирган ижтимоий мавжудот сифатида жамиятдаги асосий қадриятдир. Шу билан бирга, у оламга ижтимоий муносабатда бўлиш, одамлар билан муомала ва алоқага киришиш, меҳнат қилиш асосида моддий ва маданий бойликларни вужудга келтириш, тафаккури, ҳис-туйғулари, фикрларини тили воситасида ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлган умумиҷтимоий вужуд ҳамдир. Инсон жамиятсиз яшай олмаганидек, жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди”⁴.

Мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида инсон турмуш тарзини янада фаровонлаштириш, давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этиш ва иқтисодиётни тўлиқ либераллаштиришга қаратилган туб ўзгаришларни амалга ошириш жараёнлари миллий юксалиш тамойилларини рўёбга чиқаришга замин ҳозирламоқда. А.Саитқосимовнинг таъкидлашича, “Ижтимоий адолат инсонлар фаровонлиги таъминлаш, ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлаш, инсонни ҳар томонлама юксалтириш билан боғлиқ муҳим социал воқелик

³ Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. 31.08.2021. www.prezident.uz.

⁴ Назаров Қ. Маънавий қадриятлар ва инсон кадри. Т., “Маънавият”, 2011. –Б. 21.

ҳисобланади. Ижтимоий адолат асрлар давомида ривожланиб ва такомиллашиб келаётган, инсоният учун энг муҳим қадриятларни мужассамлаштирган ғоя ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, фуқаролик жамияти қурилишида ижтимоий адолат феномени ўзининг мукаммал кўринишига эга бўлди”⁵.

Халқимизнинг йиллар давомида орзу қилган ҳуқуқларини тўлақонли таъминланиши, манфаат ва эҳтиёжларини рўёбга чиқиши жамият ижтимоий барқарорлиги ва тараққиёт таомилини нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, ушбу жараёнда давлатимиз ўзининг замонавий демократик тараққиёти жараёнида жаҳон ҳамжамияти ва халқаро тузилмалардаги иштироки умуминсоний тамойилларга мос келадиган инсонпарвар жамият қуриш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

Олимларнинг таъкидлашича, “Ислоҳотлар марказида инсоннинг олий қадрият сифатида баҳоланиши мамлакатимиз стратегик вазифаларига ҳамохангдир. Хусусан, бу борадаги барча ўзгаришларнинг мазмун - моҳияти ҳам инсон ва унинг кадр-қимматини кўтариш билан боғлиқ. Холбуки, ушбу қадриятлар асосида шаклланган жамият, моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларнинг миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади. Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, ҳар бир шахс, турли қатлам вакиллариининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди”⁶.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий соҳаларда кескин ўзгаришлар ва тараққиёт кузатила бошланди. Жамиятда шахснинг ижтимоий манфаатларини тўлиқ таъминланиши ҳаёт-мамот вазифага айланиб, инсон қадри ва ижтимоий мавқеини юқори даражада таъминлаш муҳим инсонпарварлик тамойили

⁵ Саитқосимов А. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия асослари. -Тошкент, “LESSON-PRESS”, 2021. –Б. 71

⁶ Қ.Назаров, М.Қуронов ва бошқ. Бу муқаддас Ваатанда азиздир инсон. Т, “Ўзбекистон”, 2010. –Б.4.

ҳисобланади. Ижтимоий сиёсатнинг инсонга берадиган нафи ва кўмаги муҳим хусусият бўлиб, шахснинг жамиятдаги мақомини юксалтиради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи. 31.08.2021. www.president.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-модда
3. Назаров Қ. Маънавий қадриятлар ва инсон қадри. Т., “Маънавият”, 2011. –Б. 21.
4. Саитқосимов А. Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия асослари. - Тошкент, “LESSON-PRESS”, 2021. –Б. 71
5. Қ.Назаров, М.Қуронов ва бошқ. Бу муқаддас Ваатанда азиздир инсон. Т, “Ўзбекистон”, 2010. –Б.4.